

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ



НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консулик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

КОНСУЛЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР

- 1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
 - 2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
 - 3) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
 - 4) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
 - 5) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
 - 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
 - 7) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;
 - 8) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;
 - 9) ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайди;
 - 10) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
 - 11) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
 - 12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
 - 13) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади;
 - 14) ижро хатларини ёзади;
 - 15) денгиз протестларини амалга оширади.
- Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



Нотариус томонидан чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши



Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, халқаро шартномаларга мувофиқ чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллайди.

Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.

**Мерос мол-мулкни қўриқлаш ва меросга бўлган ҳуқуқ
тўғрисида гувоҳнома бериш**



Чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолган мол-мулкни қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек бундай мол-мулк хусусида меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет элда амал қилишга мўлжалланган ишончномалар



Нотариус томонидан тасдиқланган, чет элда амал қилишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончномалар уларни берган шахс томонидан бекор қилингунига қадар ўз кучида қолади.

Нотариуснинг чет элда тузилган ҳужжатларни қабул қилиши



Чет элда бошқа давлатлар ваколатли органларининг мансабдор шахслари иштирокида тузилган ёки улардан келаётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи расмийлаштирган тақдирдагина нотариус томонидан қабул қилинади.

Бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда расмийлаштирилмаган ҳолида нотариус томонидан қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСУЛИК УСТАВИ



НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР, КОНСУЛНИНГ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚОНУНЛАШТИРИШИ, КОНСУЛИК ЙИҒИМЛАРИ

59-модда.

Нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасасида бажарилади. Айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур муассасадан бошқа жойда бажарилиши мумкин.

60-модда.

Консул қуйидаги нотариал ҳаракатларни бажаради:

- 1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди.
- Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
- 2) мерос қилиб қолдирилган мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўради;
- 3) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 4) эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;
- 5) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 6) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 7) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 8) шахс тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 9) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 10) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 11) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилади;
- 13) ижро хатларини ёзади;
- 14) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилади;
- 15) қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажаради.

Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ушбу Устав билан белгиланади. Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

61-модда.

Нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ушбу нотариал ҳаракатлар сирини сақлаши шарт.

Бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг нотариат тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

62-модда.

Нотариал ҳаракатлар бунинг учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган, консуллик йиғимлари тўланган ва амалдаги ҳаражатлар қопланган куни бажарилади.

Нотариал ҳаракатларни бажариш қўшимча маълумотлар ёки ҳужжатлар талаб қилинганда ёхуд ҳужжатларни экспертизага жўнатиш зарурати бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кечиктирилиши мумкин.

63-модда.

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар, шунингдек ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ҳузурида имзоланади. Агар битим, ариза ёки бошқа ҳужжат консул йўқлигида имзоланган бўлса, имзо чеккан шахс ҳужжатни ўзи имзолаганлигини шахсан тасдиқлаши лозим.

64-модда.

Консул нотариал ҳаракатларни бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, бажарилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши шарт.

65-модда.

Консул ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин қариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни бажариши мумкин эмас.

66-модда.

Консуллик муассасасида нотариал иш юритишлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни бажариш илтимоси билан мурожаат қилган шахс иш юритилаётган тилни билмаса, нотариал ҳаракатни бажараётган консул ёки консул танийдиган таржимон расмийлаштирилаётган ҳужжатларнинг матнларини унга таржима қилиб бериши лозим.

67-модда.

Агар Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдасига мерос очилганлиги консулга маълум бўлиб қолса, консул мерос ва эҳтимол тутилган меросхўрлар тўғрисида ўзи билган барча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига дарҳол хабар қилиши шарт.

68-модда.

Агар нотариал ҳаракатни бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса, консул бундай ҳаракатларни бажаришни рад этади.

Агар ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса ёки ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга эга бўлса, консул бундай ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни бажариш учун қабул қилмайди.

Нотариал ҳаракатни бажариш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан унга рад этишнинг сабаблари баён қилиниши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартиби тушунтириб берилиши лозим.

69-модда.

Консул ўз консулик округидаги маҳаллий маъмурларнинг вакиллари иштирокида тузилган ёки ана шу маъмурлардан келган ҳужжатлар ва актларни қонунлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг органлари ана шундай ҳужжатлар ва актларни, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, консул томонидан қонунлаштирилганидан кейингина қараб чиқиш учун қабул қилади.

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштиришнинг моҳияти ана шу ҳужжатлар ва актлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини ва бу ҳужжатлар билан актларнинг консулхона жойлашган давлат қонунларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда шаҳодатлашдан иборатдир.

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлган ёки ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга эга ҳужжатлар ва актлар қонунлаштирилмайди.

КОНСУЛЛИК ЙИҒИМЛАРИ

71-модда.

Консуллик ҳаракатлари учун консуллик йиғимлари ундирилади.

Мазкур ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ ҳолда қилинган харажатлар ҳам қопланиши лозим.

72-модда.

Консуллик йиғимлари Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ, яъни: чет элда – консуллик жойлашган давлатнинг валютасида ёки эркин айирбошланадиган валютада; Ўзбекистон Республикасида – миллий валютада ёки эркин айирбошланадиган валютада ундирилади.

Консуллик йиғимларининг тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

73-модда.

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

- а) консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартнома мавжуд бўлса;
- б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича;
- в) чет эл дипломатия паспортларига баҳамлик асосида виза қўйганлик учун;
- г) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатлар сўраб олинганлиги ва қонунлаштирилганлиги учун;
- д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

74-модда.

Консуллик йиғимлари давлат даромадига ўтказилади.

Консулнинг вазифаси қуйидаги
ҳолларда тугатилади:



- консул чақириб олинганда;
- экзекватура бекор қилинганда;
- консуллик патентининг муддати тугаганда;
- консуллик муассасаси ёпилганда;
- консуллик муносабатлари тўхтатилганда.

Ишончномаларга тегишли масалалар чет эллик фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари Ўзбекистон Республикасида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ташкилотлари ва давлат идораларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари эса чет элда самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ишончномаларга нисбатан фуқаролик қонунчилигининг вакиллик шартномаси тўғрисидаги қоидалари қўлланилади, судда вакилликка нисбатан эса фуқаролик процессуал қонунчилиги қоидалари амал қилади.

Апостиль



башарти давлат чет эл расмий ҳужжатларини
қонунлаштириш талабини бекор қилувчи 1961 йилги
Гаага конвенцияси иштирокчиси бўлса, давлатнинг
ваколатли органи мазкур давлатда бажарилган ҳужжатни
шаҳодатлаш учун қўювчи махсус штамп оттиски

Адабиётлар рўйхати:

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. /Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. — Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
2. О.Т.Хазраткулов. Халқаро хусусий ҳуқуқ: ўқув услубий комплекс. Т., 2010.
3. О.Т.Хазраткулов. Халқаро молиявий лизинг: ўқув қўлланма. Т., 2010.
4. Богуславский М.М. Международное частное право. М., 2010.
5. Л.П. Ануфриева. Международное частное право. М., 2000.
6. Л. А. Лунц. Курс международного частного права. М., 2002.
7. Г.К.Дмитриева. Международное частное право. М., 2002.
8. Международное частное право: Учебник для вузов/ Под редакцией доктора юридических наук Н.И. Марышевой. — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ», «ИНФРА-М», 2000.